




Фарғона ҳақиқати

Хар тунинг кадр
ўлубон,
Хар кунинг ўлини
Наврўз!
Алишер НАВОИЙ.



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati 2021 йил 19 март, жума № 23-24 (24517)



Кўкламнинг кўксига туморсан, Наврўз!



Қирғизистоннинг Норин вилояти делегацияси Фарғонада

БИР ДАРАХТНИНГ ИККИ ЯПРОҒИ

Узбек ва қирғиз халқининг ери, суви азалдан бир бўлиб, энг муҳим ҳаётги неъматлари ўзаро муштарак ҳолда умргузаронлик қилиб келмоқда. Икки халқнинг бир-бирига ҳамонан қадриятлари, яшаш тарзи жуда қадим тарихга эга. Умрбоқий аъёнлар бугун анги мезонлар асосида ривожланган эътиборга сазовордир.



Шу йилнинг 11-12 март кунлари Қирғизистон Президенти Садр Жапаровнинг мамолақатимизга расмий доирасида Ўзбекистон — Қирғизистон шериклигининг даярлиги барча йўналишларини қамраб олган 22 та тарихий ҳужжат имзоланди. Музокаралар жараёнида худудларни ҳамда чегараолди вилоятларни комплекс ривожлантириш масалалари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Белгиланган режалар ижросини таъминлаш мақсадида 17-19 март кунлари Норин вилояти делегациясининг вилоятимизга ташрифи амалга оширилмоқда. Ташриф доирасида кенч сўлими Водилида жойлашган вилоят ҳокимлиги "Қабуллар уйи"да икки вилоят расмий делегацияси иштирокида олма-юз мулоқот ўтказилди.

Учрашувада Фарғона вилоятининг саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш ва хизмат кўрсатиш сингари истиқболли тармоқлари жадал ривожланган эътироф этилиб,

ти губернатори Собирқул Ашмбетов яқин истиқболда ҳамкорлик қўлими бир неча маротаба ошишига ишонч билдириб, дўстона алоқаларни худудлар кесимида ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратди.

Норин вилояти делегацияси ташрифи доирасида бугун Фарғона шаҳрида икки мамлакат тadbirkorлари иштирокида Бизнес-форум ўтказилиши ҳамда вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Музокаралар олиб борилди. Ташриф режасига кўра, Норин вилояти делегацияси кенч Фарғона, Тошлоқ ва Қува туманлари ҳамда Марғилон ва Қувасой шаҳрида янги саноат қорхоналари, миллий хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги тармоқларида олиб бораётган ишлар билан яқиндан танишиди.

Қишлоқ хўжалиги: истиқбол ва самара



ҒАЛЛА МАЙСАЛАРИ БАРАВЖ РИВОЖЛАНЯПТИ

Айни кунларда вилоятимизда бошоқли дон экинлари парвариши бўйича белгиланган агротехник тadbirkorлар сифатли бажарилиб, мўл ҳосил олиш чоралари ўрилмоқда. — 92 гектар ерда парваришланган "Замин-1" навли бугдоғи баравж ривожланиши учун минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ишлов берилляпти, — дейди Бағдод туманидаги "Фермер замин Бағдод" фермер хўжалиги раҳбари Латифжон Юлбарсов. — Шунингдек, экин майдонларини сугориш, зараркунанда ҳашарот ва касалликларга қарши курашиш борасида ҳам изчил сбай-харакатлар амалга оширилмоқда.

Мати ва сурат муаллифи Шерзод ҚОРАБОЕВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йилнинг 16 март куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигирма тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Бошига шакланган кўшимча манбалардан мақсадли фойдаланиш борасида белгиланган вазифалар ҳусусида вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғанижон Солиевнинг ахбороти тинланди.

Кун тартиби бўйича дастлаб вилоятдаги тўртта сектор томонидан 2020 йилда олиб борилган ишлар таҳлили қилиниб, 2021 йил учун тайёрланган "Йўл харитаси"ларидан белгиланган вазифалар муҳокама қилинди.

— Шаҳар-туманларни иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида катта маблағлар ажратилляпти, — деди вилоят раҳбари. — Шу боис ушбу маблағлардан самарали фойдаланиши депутатлар хар бир соҳа кесимида назорат қилиши керак.

Таъкидлаб ўтилганидек, секторлар кесимида вилоятда "Темир дафтар"га киритилган эхтиёжманд оилалар билан манзилли ишлар йўлга қўйилди. Шу мақсадда шаҳар-туманлардаги 76 та секторда ишчи гуруҳлар тuzилиб, уларга 532 нафар ходимлар бириктирилди. Бу борада асосий эътибор эхтиёжманд оилалар учун муқим иш ўринлари яратиш орқали аниқ даромад манбаини яратишга қаратилган.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари томонидан сайловчиларнинг мурожаатлари асосида бир қатор муаммо ва масалалар ижросини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилиб, бу борада халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот қилиниш вазифаси белгиленди.

Шундан сўнг вилоят маҳаллий бюджетининг 2020 йилги ижроси ва 2021 йил

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари томонидан сайловчиларнинг мурожаатлари асосида бир қатор муаммо ва масалалар ижросини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилиб, бу борада халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот қилиниш вазифаси белгиленди.

Шундан сўнг вилоят маҳаллий бюджетининг 2020 йилги ижроси ва 2021 йил



Ўз мухбиримиз.



ТАЙИНЛОВ

Фарғона вилояти ҳокими Х.Бозоровнинг 2021 йил 17 мартдаги 100 к-сонли қарори билан Уринбоев Аваз Рустамович Фарғона вилояти ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартиратиш масалалари бўйича биринчи ўринбосари — вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиратиш бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Аваз Уринбоев 1978 йилда Олтиариқ туманида туғилган. Фарғона политехника институтини ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини тамомлаган.

2015 йилларда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Қўқон филиали ва Фарғона вилояти бўлимининг бошқарган.

А. Уринбоев 1996 йилда "Ўзтадбиркор-банк" Олтиариқ туман бўлимида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1999 йилдан 2005 йилгача "Асака банк" Олтиариқ туман бўлимида, 2005-2011 йилларда Марказий банк Фарғона вилоят бош бошқармасида турли лавозимларда хизмат қилган. 2011-

2020 йилда 107-Филитон сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган.

Наврўз иншоотлари

Вилоятимизда кад ростлаётган турар жой, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларининг 140 дан зиёди Наврўз байрами арасида фойдаланишга топширилди.



ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК
Фарғона шаҳрида 9 та, Қўқон шаҳрида 3 та, Олтиариқ туманида 8 та, Риштон туманида 3 та, Фарғона туманида 5 та кўп қаватли турар жой бинолари қуриб битказилди. Байрам уй тўйларига уланди.
Риштон тумани Бўстон кишлоғида қурилган

4 қаватли уйлارнинг ҳар бири 24 оилага ўрнатилган. Улардан бири Капа кишлоғида Иқболжон Шароповга насб қилди.
— Наврўз байрами оилами аъзолари учун қўшалоқ байрамга айланди, — дейди у. — Янги уйимиз 3 хонали, барча қўлайликларга эга.
Олтиариқ тумани "Шарк" МФЙ йилнинг ашови ёлғиз она Зулфия Рафурова ҳам байрамни янги уйда қарши олди. Унга «Қақчугай» МФЙ ҳудудида қурилган кўп қаватли уйлarning 3 хонали хонадони берилди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА
Бўёйда тумани Янгиқўрғон кишлоғида хусусий шифохона, Риштон тумани "Фаровонлик" МФЙ ҳудудида поликлиника иш бошлади.
Олтиариқ туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника, тез тиббий ёрдам бўлими, "Файрат", "Журак", "Файзобод" МФЙларидаги

оилавий поликлиникалар мукамал таъмирдан чиқарилди. Бу табибёт ҳодимларининг аҳоли саломатлиги йўлида янада самарали фаолият олиб боришларига шараф яратди.
БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ
Данғара тумани марказида 140 ўринли мактабга таълим ташкилоти фойдаланишга

топширилди. Шу муносабат билан ташкилланган тадбирда ота-оналар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Болажонлар ўз қувончларини шевр ва қўшлар билан намойиш этди.
Ўзбекистон туманидаги 42-сонли мактабга таълим ташкилоти учун қўшимча — 90 ўринли бино қурилди.
Евёон туманидаги 14-сонли, Бағдод туманидаги 28-, 30-, 33-сонли мактабга таълим ташкилотлари мукамал таъмирдан чиқарилди.

Тилаклар
ЭНГ СУЮКЛИ АЙЁМНИНГ ФАЙЗИ, ТАРАВАТИ БОШҚАЧА

2010 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 64-сессиясида 21 мартни "Халқаро Наврўз кўни" деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Унга кўра, ҳар йили 21 март Халқаро Наврўз байрами сифатида дунё бўйлаб кенг нишонланади. Хўш, бошқа халқлар бу байрамни қандай нишонлайдилар?

татар миллий маданият маркази қошидаги "Қубалғим" ансамбли иштирокчиси Равия Қўлтуғоева.
— Ҳамма уйдан бир ҳовч-бир ҳовса топангани олиб чиқиб, дошқозонга солиди. Байрамнинг гашти ҳам шунда — бирдамликда. Таом тайёр бўлгунча, ёш-у кеска қошқида туҳум билан югуриш, рўмон беритиш, узук яшириш, тепалика қоп билан чиқиб каби халқ ўйинларини ўйнайди, фольклор қўшиқ-қуйларга рақсга тушади. "Қара бўтқа" тайёр бўлгачи, уни дархат қоваларига қўйиб чиқамиз. Бу — табиатга, шуларга рағбатимизимиз рамзи бўлади.

жуд, Қозоқлар йил алмашиданган лҳазаларда уйлариини покиза бўлишини ёқтиришди. Янги йил кириб келишида йў-қовиллар тоза ва озода бўлса, оила аҳли ўша йили касаллик, бахтсизликлардан омонда бўлишида, деб билишди. Наврўз кўни қор ёки ёғич ёққан тақдирда, қозоқлар йили файли келди, деб қувонишди.

Дилдора МАХМУДОВА, Қўқон шаҳридаги 9-ихтисослашган мактаб-интернати директори.
— Таълим муассасида Наврўз байрами ўзгача ҳур-санъатчилик билан нишонланади. Ҳар йили байрам арафасида 215 нафар ўқувчиларимиз иштирокида миллий кадриятларимизни акс эттирувчи тадбирлар ўтказамиз. Мактабимизда музей ташкил этилган бўлиб, у доимо ўқувчиларимизнинг кўп меҳнати, орау-интилишлари тинисли бўлган миллий либослар, сўзаналар, Бетакор суратлар билан бойиб боради.

Ким қандай нишонлайди?

Муҳаммадсодиқ АРСЛОНОВ, Қува тумани, тадбиркор.
— Эрта кўламанда дўстлар билан кир-адирларга чўчмома, лопа сайиларига чиқиб хўши аъбанга айланган. Наврўз байрами кунлари эса нафкат табиат янгиланади, балки калбимизда ҳам янги режа-мақсадлар, тўйгулар жўш уради. Ёш тадбиркор сифатида яқинда замонавий диагностика маркази ташкил этдим. Бу ерда халқимизнинг соғлом турмуш тарзи, ҳаёти янада фаровон бўлиши учун барча шарафларни мўъайиз этдим. Шу кунларда барчага қўшаёйдирт улашши учун байрам ақцияларини ўтказишни режалаштиришимиз.



этаклари Анударе соҳилидаги деҳқонлар Наврўзни тантанали равишда байрам қилишади. Туркман халқига хос бўлган айрим урфу одатлар ушбу байрамда, миллийлик бахш этган. Масалан, Наврўзгўжа, Наврўзбона таомлари пишириш ҳамда сумалакни тайёрлаш ва ёшлар томонидан намуққ отди каби ўтмишдан расм бўлган турли ўйинларни ўйнаш бунга мисол бўла олади. Туркманлар орасида йил бўйи ўтказиладиган от пойғаси муносабати Наврўз пайтида ўзгача шухук касб этади. От пойғаси туркманлар наврўзўй расм-рўсуларининг таркибий қисми ҳисобланади.

ХИТОЙДА
Хитой Халқ Республикасининг фарбий ҳудудларида Наврўз нафкат мажор байрамни нишонлашга буюлади. Байрам тадбирлари хитойликлар томонидан ҳам кенг нишонланади. 21 март кун одамлар ёрқин либосларга бурканлиб, қўллариди гулдаста ва лойдан ясалган хўкиз жайғалчаларга билан ибодатхонага йўл олишади. Байрамнинг энг улкан — бош хўкизи эса бамбуқ ва қоғозлардан ясалади. Жоновиор олов, сув, темир, дархат ва ер рамаларини англавчи — қорё, оқ, қизил, яшил ва сарик рангли бўлади. Байрамнинг бош бир паллада барча хайкаллар майда-майда қилиб сандирлиб, бамбуқдан ясалган улкан хўкиз оловда ёндирилади.

Абдумутал ПАЙГАМБАРОВ, Унқўприн туманида жойлашган "ААП Азизов Акбарали" Фермер ҳўжалиғи раҳбари.
— Наврўз йилбоши, халқимизнинг ризқи мўл-кўп бўлиши учун эзгу ниятлар қилинадиган байрам сифатида ҳам қадридлир. Биз ҳам шу кунларда далаларимиз уватларини, сув йўлларини тозалдик. Янги мевали ва манзарали дархатлар эқилди.
«Тепакўрғон» МФЙда ҳўжалиғимиз аъзолари ҳамда на-халла аҳли иштирокида сумалак солиб, Баҳорий таомлар пишириди. Кам таъминланган, боқувчинини йўқотган оила-ларга муруват ёрдамлари кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА
Ўзбекистонликлар Наврўзни Марказий Осиёнинг бошқа халқлари қаторида шахарларнинг улкан боғлари, майдонлар, маданият марказлари, кишлоқларда эса очик ҳавода, табиат кўйида, наврўзўй сайилгоҳларида байрам қилишади. Баҳор фасли кириб келиши билан ўзбек аёллари тўпланишиб, эндигина майса урган бугдўл ширасидан сумалаклар тайёрлашади. Наврўз байрамиди одамлар сайилгоҳларида миллий кўй-қўшиқларни икром этишади, ўлан-лапарлар айтилади. Наврўз кайди этиладиган жойлар одамлар орасида Наврўзбўлоқ, Наврўзсой, Наврўзгёта деб аталади.



ПОКИСТОНДА
Наврўзнинг биринчи кўнини "Нур дунёси" ҳам дейишади. Айёмда шевр ва само рақси кечалари ўтказилади. У Покистонда "Қизил кўй байрам"и деб ҳам аталади. Таъминларда эса "Наврўз байрами" сифатида белгиланади. Шунингдек, халқ орасида "Басант" — "Баҳор байрами" сифатида ҳам юртилади. Қариндош-қурулар қабрларини зiyorат этиш, янгилик ва дўстлар ҳолдони хабар олиш бу мактабда Наврўз айёмида бақариладиган амаллардан саналади. Бундан ташқари, халқ орасида қизқарли ўйинлар ўтказилади.

Қувватли РАҲИМОВ, Фарғона давлат университети ўқитувчиси:
— Наврўз — ёшлик ва гўзаллик байрами. Шу маънода, су-қюли айём тантаналарини талабалар билан нишонлашнинг асари ўзгача бўлади.
Завқиб мубоинида сайқаланиб, кадр-қимматини йўқотмай келётган байрам унутулмас таассуротлар билан ўтиши учун бу йил ҳам турмушда ушбу маънада сўхбатлар уюштири-ди. Турли кўржик-танловлар ўтказиш режалаштирилди. Ул-лас, барча таълим муассасарида биланги каби универси-тетда ҳам Наврўз шодоналари кенг нишонланади.

ТАТРИСТОНДА
— Биз, татадарлар Наврўз байрамиди бугдўй, арпа, тарик, маккажўш, ловия, нўхат, ясиқ, гурчу, қунжук ва дуққалки доллар-ни қайнатиб, "қара бўтқа" таомини тайёрлаймиз, — дейди вилоят

ЭРОНДА
Эрон Ислон Республикасида сувук кўнларининг охиридаш билан Наврўз байрамига тайёргарлик қўрилади. Февраль ойининг биринчи ўн кўнлигидан эронлик аёллар бугдўй ва бошқа долларни кўкартиришни бошлашади. Кўк, қўзу ва балик, Наврўз байрами кўйин ястиладиған дастурхонга қўйиладиган асосий нарсалардан саналади. Бундан ташқари, байрам дастурхонига еттига "С" харфидан бошланувчи гул қўйилади. Наврўз кириб келиши билан одамлар кўзгуларни рўфрасига қўйиб, чирокларни ёндириб, хонадорларнинг баракаси учун Қуръон тилков қилишади.

ОЗАРБЎЙЖОНДА
Наврўз Халқларнинг севимли ва бош байрами ҳисобланади. Жумладан, Озарбўйжонда ҳам Наврўз кенг нишонланади. Байрамнинг биринчи кўни одамлар дарё ёки бўлоққа Борьб, унинг сувини бир-бирларига сепилади. Озарбўйжонликлар суви поклик ва тозалик рамзи сифатида қўришади. Шу тарихи улар янги йилда бир-бирларига бахт-саодат тилийдир. Шундан сўнг, бир-бирларини ширинликлар билан меҳмон қиладилар. Наврўз кўни, албатта, ширинлик истеъмол қилиш уларнинг азалий одати ҳисобланади.
Севара АЛИҚОНОВА тайёрлади.

“ЭЗГУЛИК АЙЁМИСАН, НАВРЎЗ!”

ХАЛҚАРО ОЛИЙГОҲДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

Айни кунларда оилаларда, жамоат ташкилотлари, таълим муассасарида Наврўз кайфияти ҳукмрон, Фарғона политехника институти академик лицейида ҳам ўз нафосатини намойиш этмоқда.

Энг қадимий ва қўтлут байрам — Наврўзи олам вилоятимиздади барча олий таълим муассасари, хусусан, Халқаро олийгоҳларида ўзгача ҳушундлик, эзгу кадриятларимизга мувофиқ тарзда нишонланмоқда.

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Вилоятимиздаги турли бошқарма, ташкилот-муассасалар томонидан кам таъминланган оила-ларга Наврўз байрами муносабати билан ҳадялар, эҳсонлар туҳфа этилди.

Таълим муассаси-мизда "Эзгулик айёмисан, Наврўз!" шори остида ўқилиган тад-бир педагог ва ўқувчиларга Баҳорий шухук улашди.

Латвиянинг Ахборот тизимлари менеж-менти Олий мактабининг Фарғона ша-ҳридаги филиалида ҳам Наврўз шодона-си бўлиб ўтди.
Муассаса фойеси ранг-баранг гул-лар, миллий аксессуарлар билан безатилган. Наврўз куй-қўшиқлар жаранг сочди. Миллий либослар кўргазмаси, Наврўз таомлари танлови, турли вилоятларда яшовчи талабалар ўртасида "Ош муносабати" ўтказилди.
— Самарқандча ош тайёрлаяман, — дейди филиалининг бизнес администрасияси йўналиши таракиси Шахрёр Шахрйёев. — Ҳар биримиз бу айёмнинг келиб таас-суртларга бўй ўтиши учун хисса қўйишга интилямиз.

Фарғона вилоти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси касба уюмшаси томонидан Фарғона шахар "Ёшлар" МФЙдаги кам таъминланган, боқувчинини йўқотган бешта оилага мо-ддий кўнрак кўрсатилиб, озиқ-овқат мақсулотлари хайрия қилинди. Шунингдек, кўп йиллар ушбу соҳада ишлаб, нафакка чиққан фахрийлар байрам муносабати билан ташкилланган тадбирга так-лиф этилди. Бир пилча чой бахонасида уларга хурмат-эҳтиром кўрсатилиб, эсдалик соғвалари топширилди.

Фойеда кўпкам гуллар ва Наврўз тизимлари акс эттирилган кўргазма намо-йиш қилинди.
Педагогик жамоа ва тала-баларнинг "Сумалак сайли", айниқса, завқли ўтди.
Тадбирда иктидорли ўқувчилар куй-қўшиқ ва шеврлар икром этишди. Наврўз кадриятлари акс этган сачна кўринишлари намоийш қилинди. Миллий таом ва либослар намоийши шарқона аънадаларининг ирода этиб, йилнинг янада катта таассурот қолдириди. Шодинага ўқувчиларнинг ота-оналари, таълим даргоҳимизда ўқиб, бу-ғун турли соҳаларда ил-мухбат қилётган ёшлар ҳам гувоб бўлишди.
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дил-навоз Қўлдошева барчани

Махбубахон СУЛТОНОВА, ФарПИ академик лицейи ош тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

"Махпала" хайрия жамо-ат фонди вилот бўлими бошқаруви томонидан ик-тимоний химюга муҳтож, якка-ёғли ҳамда боқувчинини йўқотган 7 нафар фуқаролар ҳолидан хабар олди. Жумладан, Фарғона шахар, Саккокий қўчаси, 27-уйда

Маржлон шахар 2-сектор раҳбари Ш.Мавлонов томонидан ҳудуддаги 12 та махпала фуқаролар йилнинг ашови вақтидаги кўнрак муҳтож оилаларнинг 28 нафар фарзандларига суннат тўйи ўтказиб берилди.
Саховатпеша тадбиркорлар ҳоҳимчилиги тўй болаларга вазирлик, кўнрак муҳтож ва бошқа соғвалар тўйи сафи-ята тақдим этилди, жаффи юракларга қувонч улашди.

“ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ” АЖ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида юрт равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган барча ҳамюртларимизни энг суюкли байрам –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий табриклайди.

Айни кунларда юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти. Бунинг самараси сифатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббусларини рўёбга чиқариш борасида қувонарли ютуқларга эришилмоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизнинг энг қадрдон байрами шукуҳи ҳар бир оилага бахт ва омад, файз, давомли хурсандчиликлар олиб келишига тилакдошмиз.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛИГИ

Жонажон
Ватанимизнинг
файзли ва тароватли
яна бир тантанаси –

Наврўз айёми

билан самимий
муборакбод этади.

Асрлар мобайнида халқимизнинг энг эзгу фазилатларини намоён этиб келаётган мазкур байрамда юртимизга тинч-осойишта ҳаёт, деҳқончилик кут-барака сўралади. Элимизнинг ризқ-насибаси улуғ бўлиши учун яхши ният билан ерга уруғ экилади.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида яшнатиш ва яратувчанлик иштиёқи билан ободонлаштириш ишларига киришилади. Шу фурсатдан фойдаланиб, ҳар бир оила ва инсон ҳаёти табарруқ байрам шукуҳи билан яхшилик нуридан баҳраманд бўлиши учун энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.



Қўқон шаҳрида жойлашган



**EURO
PRINT**
МЧЖ ЖАМОАСИ

Фарғона аҳлини энг севимли
ва қадрдон байрам –

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Юртимизда хусусий ва кичик бизнесни ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратилгани туфайли фаолиятимиз тобора ривожланиб, хизмат қўрсатиш ва сервис тармоқларида янги-янги йўналишлар очилмоқда. Бу каби қулай тадбиркорлик муҳити янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

**БАЙРАМ ШУКУҲИ ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ОИЛАГА ТЎКИС БАХТ,
ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ОЛИБ КЕЛАВЕРСИН!**



Гўзал ва бетакрор диёримизда шарқона айём – Наврўз шукухи кезмоқда. Қутлуғ байрам шодиёналарининг юртимиз бўйлаб кенг нишонланиши фаровон ва бахтли ҳаётимиз ифодасигина бўлиб қолмасдан, байрамсевар халқимизнинг миллий урф-одат ва анъаналаримизга юксак муҳаббатини ҳам акс эттиради.

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

Наврўзи олам

БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

*Дилбар фаслнинг гултожи саналмиш Наврўз кайфияти
қалбларимизга ёруғлик, оилаларимизга қувонч,
жамоаларимизга қўтаринкилик ва шижоат олиб кирсин!*

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

БАҒДОД ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Баркамол авлод орзуси йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган таълим соҳаси фидойилари, барча ҳамюртларимизни

НАВРЎЗ АЙЁМИ БИЛАН

муборакбод этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимидаги кенг қамровли ҳаётбахш ислохотлар самараси Бағдод тумани таълим тизимида ҳам намоён бўлиб, бу борада фан ўқитувчилари, ўқувчиларимиз томонидан қўлга киритилган ютуқлар қалбимизга фахр ва ифтихор бахш этади. Умр фаслининг гули ва навбахори сифатида ғоятда қадрли бўлган ушбу байрам бу йил ҳам бағдодлик ўғил-қизларимизнинг бир олам орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишига ишонамиз. Бағдод тумани халқ таълими бўлими тасарруфидаги барча педагогик жамоаларнинг ютуқлари бардавом бўлаверсин!

БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ КАДАСТР АГЕНТЛИГИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

ҳамюртларимизни
гўзал ва бетакрор тантана –

НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН

самимий қутлайди.



Кадастр агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси жамоаси бу йилги байрамни замонавий ва қулай шарт-шароитлар муҳайё этилган янги бинода кутиб олмақда. Бундай эътибор ва рағбат соҳа фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, халқимизга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини яратди. Натижада ушбу соҳада фаолият олиб бораётган ҳар бир мутахассиснинг фаолият кўлами замонавий мезонлар асосида яхшиланиб бормоқда. Дилбар фаслнинг энг малоҳатли байрами ҳаётимизни баҳор тонгидек тиник ва мусаффо этиб, фаолиятимизга омад ва муваффақиятлар олиб келаверсин!

БАРЧА-БАРЧА ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

ТАҚДИМОТ



Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида шоир Шўхрат ОРИФ билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон — Қораея халқаро университети ўқитувчи ва талабалари иштирок этдиши.

Ижодий учрашув

Мана шундай адабий кеча Фарғона давлат университетига олимлар, шоир ва талабалар билан ҳам давом этди.
“Қишлоқ қурилиш банк” бошқарув раисининг матбуот котиби Шўхрат Ориф бүгун Ўз мухлисларига ага. 15 ёшида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган.
“Янги аср авлоди” нашриёти томонидан chop этилган “Мен асли одаммас, ёр эдим...” номли шеърӣ китоби тақдими бўлиб ўтди.
— Шўхрат Орифининг шеърларини ўқир экансиз, назм аталмиш муҳташам касрда шоирнинг кўнгли кечинчаларига дуч келасиз. Мушоҳадага қорайдиган мисралар ичига шўнби кетасиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, профессор Сиддиқ Мўминов.
Китобда шоирнинг муҳаббатга ошно кўнгли акс этган.

Мен – сулуви кўрмаган ошик
ва кўрмасдан кетишим аён.
Ортингиздан етолмайман –
Сиз халослаб борурсиз қаён?

Мен – сўзини йўқотган шоир,
Кайгуларни сезувчи далли.
Мен дунёга яшаш учунмас,
Келдим бермоқ учун тасалли...

Сиз топинган сағир дунёни,
Асраб қолтиш билан машғулман.
Мавлононинг чорингизман мен,
Машраб ташлаб кетган кашкулман...

Мен – Мансурнинг кўзидаги мунг,
Мен – Исога қоқилган хочман.
Наҳот мени танимаясиз,
Мен ушаман, ушаман... қочманг.

Сизни излаб келганман ахир,
Нега жимсиз йўқлаганимда.
Доимгидек хуррам, бефарқсиз,
Қарсақ чалманг йиғлаганимда...

Ёнингизда бесса ўятман,
Товонимда қон сизар – чак, чак...
Минг йил мени билмади дунё,
Яна минг йил сезмас керак...

Шоҳсанам
ЭШМАТОВА.
Муқимжон
ҚОДИРОВ
олган сурат.

Кўқон шаҳридаги «МАСТОНА»

акциядорлик жамияти жамоаси барча ватандошларимизни азиз ва мўътабар байрам – **Наврўзи олам** билан муборакбод этади.

Халқимиз мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, иқтисодийетини ривожлантириш учун ҳамма соҳада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Фидойилар сафига бизнинг жамоамиз ҳам борлиги билан фахрланамиз. Ҳар бир оиллага тинчлик, хотиржамлик, оилавий бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз. Ҳар кунингиз байрам бўлсин!

ҚУВАСОЙДАГИ «КВАРЦ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ барча юртдошларимизни баҳор ва нафосат байрами билан қизғин табриклайди.

Байрам нашидаси ҳар биримиздан ўз соҳамизда виждонан меҳнат қилиб, ҳаётдан рози бўлиб яшаш иштиёқини кучайтирмоқда. Жамоамиз ҳам улғу айёмни янги ютуқлар билан қутиб олмоқда. Қутлуғ, шодиёналар кунларда барчага мустаҳкам соғлик тилаймиз, аъло кайфият ҳамиша ёр бўлсин!

"AGROBANK"

АТБ ФАРҒОНА ТУМАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида юртимизнинг барча ҳудудларида катта ҳажмдаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Биз банк ходимлари халқимизнинг олижаноб режалари амалга оширилишига кўмаклашишдан бахтиёрмиз.

Янгиланиш ва яшариш байрамини баланд кайфият, аҳиллик, хурсандчилик, меҳр-оқибат, саховатпешалик, меҳнатда фидойилик билан қутиб олишларингизга тилакдошмиз. Меҳнатингиз самарали, ҳамёнингиз ҳалол маблағларга тўла бўлсин!

"ФАРҒОНА ЙЎЛЛАРДАН МУНТАЗАМ ФОЙДАЛАНИШ"

унитар корхонаси жамоаси

Наврўз ўзининг буюк қудрати билан табиатни уйғотмоқда. Янгиланиш фасли мард, жасоратли, меҳнаткаш халқимизни янги зафарларга чорламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилётган барча ислоҳот ва янгиланишлар эл-юртимиз обод, халқ турмуши фаровон бўлишига қаратилган. Эзгу ишларда йўлларни янгилаш, кенгайтириш ва ободонлаштириш муҳим ўрин тутди. Умуманфаат йўлида фаол иштирок этаётганлигимиз билан фахрланамиз.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ, ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР ВА НУРЛИ БЎЛСИН!

**Олий таълим
МУАССАСАЛАРИДА**

**АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ –
БОШ МАҚСАДИМИЗ**

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти жамоаси эл соғлиги йўлидаги хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда. Олий ўқув юртининг клиник кафедралари томонидан Олтиариқ тумани ва Марғилон шаҳрида аҳолини ихтисослашган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари олиб борилди.

Худудлардаги оилавий поликлиникаларда наркологи, педиатр, аллерголог, терапевт, кардиолог, хирург, дерматолог, невропатолог, пульмонолог сингари ўндан ортик мутахассисликка эга бўлган профессор-ўқитувчилар иштирокида тиббий кўриқлар амалга оширилди.

Маъзур жараёнда Марғилон шаҳар аҳолисининг 232428 нафари, Олтиариқ туман аҳолисининг 210766 нафари тиббий хатловдан ўтказилиб, уларда антропометрик ўлчовлар амалга оширилди.

Тиббий-кўрик аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, саломатликларини тиклаш ва сақлаш борасида керакли махсус хизмат ва йўл-йўриқлар олишларига хизмат қилди. Бу каби эл соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган хайрли ташаббусларимиз давом этади.

Жамолдин МАМАСАИДОВ,
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти
даволаш иши бўйича проректори.



Шарқона Янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ
ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ЖАМОАСИ

ушбу қутлуғ айём билан вилоятимиз аҳлини,
барча таълим муассасалари
фидойилари, заҳматкаш ва жонқур тиббиёт
ҳодимларини самимий муборакбод этади.
Меҳнатсевар, бунёдкор, олижаноб халқимизга
эзгу ислохотлар йўлидаги меҳнатларида
куч-қувват ва шижоат тилайди.

БАЙРАМ ВА ШОДИЁНАЛАРИМИЗНИ ҲАМИША
ЁРУҒ ЮЗ, МУСТАҲКАМ СОҒЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК
БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ЭЗГУЛИК АЙЁМИ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

Газета саҳифаланаётганда...

«Сўх воқеалари» бўйича ҳукм ўқилди

18 март куни вилоят судида ўтган йилнинг май ойида Сўх туманида бўлган оммавий тартибсизликлар юзасидан айбонланган 22 нафар шахсга нисбатан суд жараёни низоҳатига етди ва суд ҳукми эълон қилинди.
Суд мажлисларида 22 нафар судланувчи, 36 нафар жабрланувчи ва 21 нафар гувоҳ сўроқ қилинди.
Вилоят судининг ҳукмига кўра, судланувчи М. Аҳмедов ва Н. Жураева 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. 20 нафарига эса озодликдан маҳрум бўлмаган, яъни турли муддатларга озодликни чеклаш жазолари тайинлаш бўйича суд ҳукми чиқарди. Уларга қўйилган уй қамоқи эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан озод этилди.
Жиноят оқибатида Фарғона вилоят ИИБга етказилган 9 миллион 996 минг 341 сўм моддий зарар судланувчилардан солиқлар тартибда ундирилиши белгиланди.

Маъзур жиноий иш бўйича суд мажлисига раислик қилувчи томонидан чиқарилган ҳукмнинг мазмунини батафсил тушунтирилиб, судланувчилар ва бошқа томонларга ушбу ҳукм устидан шикоят қилишнинг қонунда белгиланган тартиби ва муддати тушунтирилди.
Бундан ташқари, суд ҳайъати тергов органи томонидан йўл қўйилган камчиликлар учун хусусий ажрим чиқарди.

Ўз муҳбиримиз.

ЭЪЛОНЛАР

Фарғона шаҳар, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 5/13-уйда жойлашган "Agros hayot" суғурта компанияси масъулияти чекланган жамияти Фарғона вилоят филиали хисобидаги 0076187 дан 0076200 гача, 0076226 дан 0079250 гача, 0079274 дан 0079286 гача, 0079374 дан 0079400 гача, 0079001 дан 0079200 гача, 0082551 дан 0082600 гача бўлган ANS суғурта полислари, 0000401 дан 0000497 гача ҳамда 0000500 рақамли AUS суғурта полислари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 20-ўрта таълим мактабининг 2007-2008 ўқув йилида тамомлаган Шокиров Шукрули Носиржон ўғли номига берилган U 3033558 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 5/13-уйда жойлашган "Agros hayot" суғурта компанияси масъулияти чекланган жамияти Фарғона вилоят филиали хисобидаги 0002701 дан 0002750 гача бўлган ASP суғурта полислари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 30-ўрта таълим мактабининг 1992-1993 ўқув йилида тамомлаган Муратова (Эгамқулова) Шахноз Невратовна номига берилган А 319587 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи (ҳозирги Фарғона политехника институти) хузуридаги Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш техникумини 2018 йилда тамомлаган Юсупжон Абдурахим Муҳаммаджон ўғли номига берилган К 521864-4 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**НАВҚИРОН ЮРТИМИЗНИНГ НУРЛИ КЕЛАЖАГИ
БУНЁДКОРЛАРИГА БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!**

дилбар Ўзбекистоннинг гўзал ва суюкли айёми –
**НАВРЎЗ БАЙРАМИ
БИЛАН**

таълим-тарбия соҳаси фидойилари, устоз-мураббийлар,
барча-барча ҳамюртларимизни чин қалбдан
муборакбод этади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаш билан боғлиқ жараёнлар бугунги давр талаби ва эҳтиёжи асосида тақомиллаштирилди. Натижада бу соҳада профессионал, етук билим ва амалий тажрибага эга кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ёшлар ўқиш жараёнининг ўзида танланган касби бўйича муҳим билим ва кўникмага эга бўлаётгани эътиборга сазовордир. Дунёда ҳар қайси давлат ва жамият ўз келажагини бугун униб-ўсиб катта ҳаётга кириб келаётган ёшлар тимсолида тасаввур этади. Биз бу борадаги эзгу ташаббусларни амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

<p>МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati» MChJ</p>	<p>Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ</p> <p>Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан «олинди» деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақамли билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>Газета тахририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МУЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилади. Манзил: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-б-ўй.</p> <p>Босилган топириш нархи: 19.00. Топшириш нархи: 19.00.</p> <p>Бўғурма: 190 Видеок: 7521 Адаби: 11 048</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темуր кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-11-24.</p> <p>Саҳифаловчи Алишер Розиков.</p>
--	---	--	---	---

Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.

Баҳоис келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир Дилнавоз Қўлдошева.

Газета сифати учун босмахона масъул.

